



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 6 сентябрь, № 176 (4586)

Шанба

## ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК



**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов 5 сентябрь куни Россия  
Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб  
ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси  
ташкilotи (ОДКБ) саммитида иштирок этди.**

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкilotи хайрли мақсадларга хизмат қилади. Ушбу ташкilotга 1992 йилнинг 15 майда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага биноан асос солинган. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкilotининг низоми ҳамда ташкilotнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида кучга кирган.

Москвада дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг тор доирадаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саркисян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон қатнашдилар.

Музокарада ташкilot қамраган минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари

муҳокама қилинди. Терроризм ва экстремизмга, уюшган транснационал жиноятчилик ва наркотрафик, қурол-ярғоқ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашни фаоллаштириш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Бу масалалар Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги сессиясида атрофлича таҳлил қилинди.

Ташкilot фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Хавфсизлик органлари ўртасида қабул қилинган терроризм ва наркотрафикка қарши ҳамкорликда курашишга оид дастур ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясининг декларацияси ва ташкilot фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

**Анвар БОБОЕВ,**

**ЎЗА махсус мухбири.**

Тошкент — Москва — Тошкент

**Фарҳод ҚУРБОНОВ** олган сурат.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Корея Республикаси халқи номидан самимий қутловлар йўллаш менга гоят улкан мамнуният бахш этди.

Яқинда Пекиндаги Олимпиада ўйинлари вақтида бўлиб ўтган учрашувимизни мамнуният билан эслаймман. Ишончим комилки, бизнинг дўстлигимиз ва ўзаро ишончимиз давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқалар ҳамда турли соҳалардаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, буюк мамлакатингизга бахт-саодат ҳамда равнақ тилаб йўллаган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ли Мён БАК,**  
**Корея Республикаси Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати ва халқини мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан чин дилдан табриқлайман. Илдизи халқларимизнинг узоқ ўтмишидаги маданий ва тарихий алоқаларига бориб тақалувчи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ва яқин муносабатлар давлатларимиз ва минтақадаги халқлар манфаати йўлида бундан кейин ҳам ўзаро ҳиммат ва саъй-ҳаракатлар билан барча соҳаларда кенгайиб бораверди, деб умид қиламан.

Худованди қаримдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон ҳуқуқати ва халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилаб қоламан.

**Маҳмуд АХМАДИНОВ,**  
**Эрон Ислам Республикаси Президенти.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!  
Давлатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳуқуқати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларим ва энг эзгу тилақларимни йўллашдан гоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром ила,  
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз ОЛ САУД,**  
**Икки муқаддас масжид ходими,  
Саудия Арабистони Подшоҳи.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,  
Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси халқига Қатар давлати халқи ва шахсан ўз номидан самимий табриқлар ва эзгу тилақлар йўллашдан гоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар келгусида янада мустаҳкамлашишга умид билдириб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига бардавон равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Қамоли эҳтиром ила,  
**Ҳамад бин Халифа ОЛ СОНИЙ,**  
**Қатар Давлати Амيري.**

**Бундан бир йил аввал Жанубий  
Кореянинг Ёнг-Сан ҳамда Фарғона  
шаҳарлари биродарлашган шаҳарлар  
сифатида ўзаро шартнома  
имзолаган эди.**

**Дўстона учрашувлар**

Корея Республикасининг машҳур "Самсунг" корпорацияси жойлашган шаҳар билан фарғоналикларнинг ҳамкорлиги давом этмоқда.

Яқинда корейлик меконлар ўзаро битим шартларига кўра, Фарғонага таширф буюришди. Фарғона Давлат университетидаги учрашувлар дўстлик,

биродарлик байрамига айланиб кетди. Кеча охирида университетнинг бир гуруҳ талабаларига Ёнг-Сан шаҳри маъмурияти томонидан алоҳида таъсис этилган стипендиялар топширилди.

**Небижон СОБИРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ҚЎҚОН:

## ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТГАН ШАҲАР



**1. «Ёшлар  
хийбони» —  
Ёшлар йиллига  
тухфа**

— Икки ой бурун Мўмин теплак «Кўқонди «Урмон-боғ»да катта-ко-он қурилиш бошлангичи» деди. Ушунда ҳақиқат ишонимовдим. Ахир, ўзингиз айтинг, Аҳмад малим «Ез чилласида» «тулки телпагини» ечмаган одамда гапида туз бўлармиди?» деб тургандан

кейин мендай бандаси кимни орқа қилсин? Аммо-локин куни кеча ўшаққа йўлим тушди-ю, бизди депарамизда бунақа қурилиш хен замонада бўлмаганига имон келтирдим. Шундай бунёдкорлик ишларининг меъморю ташаббускорига раҳмат! Ўзим, хали кўрасиз, «Кўқон латиф деган номига муносиб бир шаҳар бўлади-ёв...»

Бу гапни мен Кўқоннинг «Бахмалбоб» гузаридида чой-хонада Маъмур шойи (маҳалладаги хунарманлар гиламдўзлик билан шуғулланган бўлса, бу акам қарагай шойи тўқигани учун шу лақаб билан сийланган экан) деган оқсоқолдан эшитган эдим. Кун буйи шаҳар кўчаларини айланиб юриб, маҳалла ва ташкilotларда, катта-кичик корхоналарда, мактаб ва коллежларда, бекатлару дам олиш масканларида турли ёш ва касбдаги одамлар билан учрашганимда, улар ҳам шу ка-

ломни такрор-такрор айтганларига гувоҳ бўлдим: «Кўқон латиф деган номига муносиб бир шаҳар бўлади-ёв...»  
— Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, — дея изоҳ берди ҳамроҳим, «Кўқон садоси» газетаси бош муҳаррири Фотиҳ Азимов. — Гап шундаки, бу-

лмни такрор-такрор айтганларига гувоҳ бўлдим: «Кўқон латиф деган номига муносиб бир шаҳар бўлади-ёв...»  
— Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ, — дея изоҳ берди ҳамроҳим, «Кўқон садоси» газетаси бош муҳаррири Фотиҳ Азимов. — Гап шундаки, бу-

гунги кунда шаҳримиз бамисоли улкан қурилиш майдонига айланган. Амалга оширилётган бунёдкорлик ишларининг кўпамю мижёси ва суръатлари эса уни қайта қуриш, ободонлаштириш, одамлар учун муносиб шароит яратиб бериш масалалари давлатимизнинг ҳам, ҳукуматимизнинг ҳам эътибор марказида турганини яққол намойён этаётган.

Ногаҳон жорий йилнинг 6 март куни бўлиб ўтган Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан таш-

қари сессияси ёдимга тушди. Давлатимиз раҳбари ушбу сессияда сўзлаган нутқида худуднинг шарт-шароити, мавжуд муаммолари хусусида тўхталаркан, «Ҳар қайси шаҳар — бу Фарғона ёки Кўқон бўлади, Марғилон ёки Қувасой бўлади — буларнинг ўзига хос, ўзига мос турмуш тарзи, ечилмаган муаммоларга эга эканини унут-

маслик керак» деб алоҳида таъкидлаган эди. Орадан икки ой ўтган, ана шу кўрсатмалар ўз тасдиғини топди: 5 май куни Президентимиз «2008-2012 йилларда Фарғона ва Кўқон шаҳарларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорга имзо чекиди.

Бешта бўлим, тўқизта боб ва бир юз ўн уч банддан иборат мазкур Қарорни кўчонликлар зўр хурсандчилик ҳамда

манфаатдорлик ҳисси билан кутиб олдилар. Нега деганда, бу ҳужжат кўна шаҳар ҳўжалигини ҳар томонлама тараққий эттириш, аҳоли турмуш шароитини янада юксалтириш йўлида мисли қўрилмаган имкониятларни очиб берган эди.

Маъмур бобо тилга олган «Ёшлар хийбони» мажмуини қуриш — шулардан бири. 19 гектар майдондан иборат бу иншоот лойиҳасида спорт-саломатлик маркази, усти ёпиқ сув ҳавзаси, волейбол, баскетбол ва боулинг майдончалари, аквапарк, теннис корти, самолёт-кафе, 1300 ўринли амфитеатр, аттракционлар, эртақлар шаҳарчаси, Ёшлар маркази, миллий чойхона ва мажмуининг маҳобатли дарвозасини бунёд этиш кўзда тутилган. Қисқа вақт ичиде 532 метр масофада ҳандак қавлашиб, бетон пойдевор қўйилган ҳолда, пишк гийшдан хийбонинг айланма девори барпо қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

**Қамаш газ-конденсат кони худудиде чуқурлиги 3272 метр бўлган янги кудуқи бургулаш низоюсига етказилди. «Ҳисорнефтгаз» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси бургучиларининг меҳнат шижоати тўғрисида бу иш бир ярим ой ичиде амалга оширилди.**

**Қўшма корхона одимлари**

Янги кудуқнинг фойдаланишга топширилиши бир кеча-кундузда 400 минг кубометр газ ва 36 тонна конденсат қазиб чиқариш имконияти беради. Қўшма корхонанин хоржий таъсисчиси — «Zerotech» компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, «Ҳисорнефтгаз» жамоасининг мамлакатимиз ёнилғи-энергетика мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасининг салмоқи тобора ошмоқда. Айни пайтда қўшма корхона томонидан ўзлаштирилган конлардан бир кеча-кундузда 14,5 миллион кубометр газ, 215 тонна нефть ва 1217 тонна газ конденсати қазиб олинмоқда.



**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси жамоаси энг улуғ, энг азиз байрамимизни ажойиб меҳнат тўғрисида билан қарши олди.**

**Мустақиллик иншоотлари**

Гап шундаки, Мустақиллик байрами шодийналари куни замонавий технологик усуналар билан жиҳозланган 13 та янги корхона фойдаланишга топширилди. Бу республикамизда гахта толасини қайта ишлаш ҳажми 50 фоизга етказиш йўлида амалга оширилётган ишларнинг узвий давомидир. Мутахассисларнинг айтиши-

ча, корхоналар тўла қувват билан ишлаш бошлаган, қалава ил тайёрлаш ҳажми 37,1 минг, трикотаж мато 2,4 минг тоннага, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эса 22,85 миллион донага ортади. Энг муҳими, 5 мингта янги иш ўрни очилди.

**Санд РАҲМОНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Болалар ижодиёти маркази**

**Мустақиллик байрами куни Урганч шаҳрида вилоят болалар ижодиёти маркази иш бошлаган.**

Марказда 1,5 минг нафардан ортиқ иқтидорли болалар куллик, расомлик, ўймакорлик, пазандлик, зардўзлик, тикувчилик каби 30 дан зиёд тўғараклар машғулотида қатнашиб, ўз маҳоратларини оширадilar. Болалар ижодиёти маркази фарзандларимиз салоҳиятининг очилишида муҳим аҳамият касб этади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



**2008** йилнинг биринчи ярмида республикамизда қишлоқ ҳўжалиги ялли махсулотининг усиши утган йилнинг шу давридагига нисбатан

**105,4** фоизни ташкил этди.

Соҳада ислоҳотлар изчил олиб борилаётгани, фермер ҳўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жумладан, уларга хизмат кўрсатувчи қўллаб таъминот шохобчаси, муқобил МТП, минибанк, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси фаолияти йўлга қўйилгани тўғрисида шундай ижобий ўсиш таъминланди.

### Тадбир

**Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкilotлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.**

## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятидаги ижросига бағишланган йилгиликда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли идора ва муассасалар, давлат ва жамоат ташкilotлари вакиллари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси А. Саидов мамлакатимизда истиқлол йилларида фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида нодавлат нотижорат ташкilotлари фаолиятининг зарур ҳуқуқий асослари ва тизими яратилгани, ушбу соҳага оид ўндан ортиқ махсус қонун ва қонунсиз ҳужжатларни қабул қилинганини таъкидлади.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкilotлари жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва ҳуқуқий эркинликларини ҳўмоқ қилиш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал қилишга кенг жалб этиш борасида қўллаб ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Самарқанд вилоятида бугунги кунда 579 та нодавлат нотижорат ташкilotи давлат рўйхатида олинган бўлиб, улар асосан, болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ногиронларни ижтимоий ҳўмоқлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, иқтисодий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг маънавий савиясини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бир рақам шарҳи



ЖАҲОН

24 соат ичида

Сайловлар бўлиб ўтди

Кеча Анголада парламент сайловлари бўлиб ўтди.



"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, унда ҳукуматда 30 йилдан буён фаолият юритиб келаётган партия ҳамда "UNITA" гуруҳи аъзолари кураш олиб боришди.

Эътиборли ҳақти, мамлакатда сайлов жараёнида 1992 йилдан бери ўтказилмаётган эди. Натихалар бир ҳафтадан сўнг эълон қилиниши кутиляпти.

Кўмир конида портлаш

Хитойнинг жануби-ғарбдаги Цицинин кўмир конида газ портлаб кетди.

"Синьхуа" ахборот агентлиги хабарига келишича, портлаш оқибатида 10 киши ҳалок бўлган. Яна сақиз кишининг бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Қутқарувчилар томонидан 25 нафар қончининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Битим имзоландими?

Зимбабведа сиёсий вазият тобора чигаллашиб бормоқда.

Куни кеча мамлакат президенти Роберт Мугабе ҳукуматни тақсимлашда мухолиф куч вакиллари билан имзо чекмас. Вазирлар Маҳкамаси таркибини давлат раҳбарининг ўзи тайинлаши мумкинлигини билдирган.

Бу ҳақда мамлакат расмий нашрида ҳам Мугабе алоҳида чиқиш қилди.

Табиий офат оқибати

Гантда ҳафта бошида бошланган "Ханна" довули тўрт кун ичида 136 кишини ҳаётдан олиб кетди.

"France Info" нашрида ёзилишича, табиий офат ҳали-бери тўхтамапти.

Ноутбукни қайтариб олмоқчи

"Sony" компанияси жаҳон бозоридан "Vaio" русумидаги 500 мингта яқин ноутбукни қайтариб олмоқчи.

"Би-би-си ньюс" хабарига кўра, мазкур курилма тизимида қатор но-созликлар мавжуд экан.

Мутахассислар фикрича, носоз ноутбуклар дунёнинг 48 мамлакатига сотилган.

Мамлакат тарихида биринчи

Австралия тарихида илк бора мамлакат генерал-губернаторлигига аёл киши тайинланди.

Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Эндиликда мамлакатнинг бош лавозимини 25-генерал-губернатор, 65 ёшли Квентин Брюс хоним бошқаради.

Беш йил мобайнида бу лавозимда Майкл Жеффри фаолият юритганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Президентимизнинг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ёш авлод тарбиясига юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси.

КЕЛАЖАККА АТАЛГАН САРМОЯ

Зотан, ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари меҳнати ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, юксак касб маҳоратини намоён этган ҳамда таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришнинг янги механизмини жорий этиш бўйича аниқ вазифаларни ўзида ифода этган мазкур ҳужжат, айни пайтда, ўзида кучли ижтимоий сиёсатнинг изчиллигини ҳам намоён этади. Шу билан бир қаторда, ушбу қарорга биноан, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Директор жамғармасининг ташкил этилгани ошариш имконини беради. Тўртинчидан, янги тизим ўқув муассасаси раҳбарларига таълим сифати ва меҳнат самарадорлигини бошқариш ҳамда на-

жараёни самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, аввало, ўқув машғулотлари, дарсдан ташқари ишлар сифатини янада оширишни таъминлайди. Иккинчидан, ўқитувчи-педагоглар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириб, уларни узлуксиз ўз устида ишлаш ва излашга, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни татбиқ қилишга ундайди. Учинчидан, Директор жамғармасининг ташкил этилиши юксак касб маҳоратини намоён этган фидойи, таълим-тарбия жараёнига катта улуш қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантириш орқали уларнинг масъулиятини ошириш имконини беради. Тўртинчидан, янги тизим ўқув муассасаси раҳбарларига таълим сифати ва меҳнат самарадорлигини бошқариш ҳамда на-

зорат қилишнинг иқтисодий асосларини яратди. Шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомга асосан, ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси ўқув, ўқув-методик, илмий,

шириш учун энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизгача, ўқув-лаборатория кабинетларига муҳимлик учун энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизгача қўшимча ҳақ белгилангани соҳа ходимларига кўрсатилаётган улкан ғамхўр-



ликнинг амалий ифодаси бўлиб, бизнинг зиммамизга таълим-тарбия жараёни янада такомиллаштириш борасида юксак масъулият юклайди. Бу эса ўз вазифамизни сийқидилдан бажариб, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини доимо оширишга бўлган жа-вобгарлик ҳамда масъулиятни кучайтириш, ўз устимизда мутасил ишлаш, билим ва малакамизни замон билан ҳамнафас тарзда ошириб боришни тақозо этади.

Эшлар — бизнинг келажагимиз. Улар айти дамдагидан кўра порлоқ, обод ва фаровон ҳамда бахтли эртанинг бунёдкорларидир.

Зейниддин ХУДОЙБЕРДИЕВ, иқтисод фанлари доктори, Тошкент банк коллежи директори.

Хоразм томонларда

Гурлан тумани Сахтиён қишлоғидаги «Бозор» фермер ҳўжалиги раҳбари Бозорбой Раҳимов ўтган йили бир гуруҳ фермерлар билан Голландияда бўлиб, тажриба ўрганиб қайтанди. Унинг бу сафари беиз кетмади.

Бозорбойнинг голландча фермаси

Фермер ўз қишлоғида 50 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплексини қурди. Голландия аъзолари асосида қурилган фермада қорамолларни парваришлаш ишларининг барчаси автоматлаштирилган.

Табиий чарм пойабзаллар

Қўшқўр туманидаги Янгилик қишлоғида этиқдў-тадбиркор Хайитбой Қурёзов ўзининг «Янгилик» хусусий корхонасини ташкил этиб, чарм пойабзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Қишлоқдаги хунарманд йилгилардан 20 нафарини ҳам ёнига олди. Ҳозирча кичик корхонада сигир терисидан 40-50 жұфт эркалар пойабзали қўлда тикилмоқда.

Табиий хом ашёдан тайёрланаётган махсулотта хари-дорлар бисёр.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛДАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БҮЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БҮРОСИ

Россия Федерациясида қонуний асосда меҳнат қилиш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалдаги тартиб-қоидаларига мувофиқ шартнома асосида қуйдаги мутахассисликлар бўйича ишга жойлашишда қўмаклашади:

- электр-пайвандчи; • сувоқчи; • юк ташувчи; • электр-механик; • кафель терувчи; • экскаваторчи; • пайвандчи; • плиткачи; • бульдозерчи; • бўёқчи; • тикувчи; • ҳайдовчи; • гишт терувчи; • оддий ишчи; • тоғ-қон ишчилари

ва бошқа барча мутахассислар.

Ойлик иш ҳақи — 650 000 сўмдан 1 100 000 сўмгача (12 000 — 20 000 рубль).

Ишчилар:

- ✓ 3 маҳал иссиқ овқат; ✓ электр ётқонга; ✓ ишлаш ҳуқуқини берувчи ружсатнома; ✓ тиббий суғурта билан таъминланади.

Мутахассислар қуйдаги талаблар бўйича қабул қилинади:

- ёши — 20 дан 45 гача; • мутахассислик бўйича иш малакасига эга бўлиши; • рус тилини сўзлашув даражасида билиши керак.

Қуйдаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- ⇨ паспорт асли ва 5 та нусхаси; ⇨ ҳарбий гувоҳнома асли ва 2 та нусхаси; ⇨ мутахассислик ёки соҳа бўйича билимини тасдиқловчи сертификат (диплом) асли ва 2 та нусхаси; ⇨ меҳнат дафтари-часи асли ва барча бетлари 2 та нусхаси; ⇨ 3x4 ҳажмдаги 6 та фотосурат (конвертда); ⇨ ОИТС (СПИД) марказидан маълумотнома; ⇨ ота-онаси ёки умр йўлдошининг розилик хати; ⇨ маҳалла қўмитасидан тавсиянома; ⇨ маҳаллий ички ишлар идораларидан фуқарони республика ҳудудидан ташқарига чиқишга монелик (масалан: жиний иш очилган ёки қидирув) ҳоллари йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-21-55, 150-21-56, 150-21-57.

Ҳужжат ва аризалар қуйдаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратўш кўчаси, 44-уй.

Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG ёзуви, «БРАВО» мебеллар дўкони орқасида.

ООО «Росагропромснаб» предлагаёт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 300 000 сум.

Table with columns: Ду, мм; Типоразмер; Мин. расход, Қмин, м³/час; Максим. расход, Қмин, м³/час. Rows: 25 G10 0,16 16(25); 40 G25 0,40 40(65); 65 G65 1,00 100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию — 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставяет краны, отводды, задвижки и фильтры различных диаметров.

Т.ф.: 273-16-40, 276-91-87

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, квл. Ц. д. 6 (Ор-р — метро «М. Улугбек»)

Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйдаги мулклар қўйилмоқда:

1. Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 20 февралдаги 17-0711-236-сонли ижро варақасига асосан, Қўрғонтепа тумани СИБ томонидан савдога қўйилган, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, А. Тешабоев кўчаси, 23-уйда жойлашган «39-автокорхона» МҲЖга қарашли, қурилиш майдони 293,50 кв.м.дан иборат, таъмирталаб А-литердаги маъмурий бино. Бошланғич нархи — 52 830 000 сўм.

2. Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 24 майдаги 17-0707-2730-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳри СИБ томонидан савдога қўйилган, Андижон шаҳри, Саноат кўчаси, 284-уйда жойлашган «Узросулгуржисавдо» ИСҚКга қарашли, умумий қурилиш майдони 1688,26 кв.м.дан иборат А-литерда маъмурий бино, Б, Б1-литерда омиборхона биноси, Б2-литерда бостирма, В-литерда идора биноси, Г-литерда идора биноси, Д-литерда меҳмонхона биноси, Е-литерда бостирма, Қ-литерда ёрдамчи бино, Г1-литерда бостирма, А1-литерда бостирма, Л-литерда трансформатор биноси. Бошланғич нархи — 96 509 333 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда ўтказиладиган. Шунингдек, 2008 йил 14 октябрь куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2006 йил 27 ноябрдаги 17-0602-9122-сонли ижро варақасига асосан, Суд департаменти Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган, Жалақудуқ тумани, «Ёрқинлоқ» ҚФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган биноларнинг умумий фойдаланиш майдони 1989,65 кв.м.дан иборат, умумий қурилиш майдони 14664,62 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 2 867 798 434 сўм.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосида ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини қўриб олишга ижобий рақамли ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

Лицензия: DB 001 № 000004.

«САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОЙ ПАКЕТИ

Хизматлар лицензияланган

ЖАМОА ҲАКИДА ҒАМХЎРЛИК

ФАҚАТ ДOKTOR-SERVIS ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН!

пул ўтказиш йўли билан турли хил ИЖТИМОЙ ПАКЕТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+»

Бир йил давомида етакчи мутахассислар маслаҳатлари — БЕПУЛ.

Лабораторияда ва даволаш воситалари билан текширувлар ўтказиш, мутахассисларнинг уйда берадиган маслаҳатлари ва тез тиббий ёрдам учун чегирмалар.

«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОЙ ПАКЕТИНИ ҳодимларингиз учун сотиб олангиз, уларнинг соғлиқларига қафолат, эртанги кунларига ишонч тортиқ қилган бўласиз.

Тел.: 277-0000, 288-5000, 120-7731, факс: 273-0090. e-mail: doktor@sarkor.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девони жамоаси масъул ходим Г. Т. Бурхонова падири бузруквори

ТУРДУМУХАМЕД отанинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти жамоаси Гидрометеорология ишларини механизациялаш кафедраси профессори, академик Шуқрулло Йўлдошевга қизи

НОДИРАХОННИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Ҳарбий кафедра муdiri Улўбек Мирзахаммадова падири бузруквори

АДАҲАМЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

